

## АХБОРОТЛАШГАН ТАЪЛИМ МУҲИТИДА "ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ" ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕГРАТИВ ТЕХНОЛОГИЯСИ (..... ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ МИСОЛИДА)

**Бахронов Бехруз Бури угли**

Ички ишлар вазири Бухоро академик лицейи  
Давлат ва ҳуқуқ асослари факультети уқитувчиси

**Аннотация:** Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида бўлгани сингари таълим тизимида ҳам ўзига хос янгиликлар қарор топмоқда. Айниқса таълим тизимини технологиялаштириш, таълим самарадорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳаётимизга кириб келаётган янги педагогик технологияларни ўқув жараёнларига қўллаш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолмоқда. Чунки янги педагогик ва ахборот технологияларини тезда қабул қилиш, уларни таҳлил этиб, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулоса чиқариш ҳамда талабаларга етказиб бериш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада Ахборотлашган таълим муҳитида "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанини ўқитишнинг интегратив технологияси хақида суз юритилган.

**Калит сузлар:** Миллий давлатчилик, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, таълим босқичлари, ҳуқуқий билим, замонавий талаблар, дидактик, психологик ва методик талаблар.

**Кириш:** Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

"Таълим тўғрисидаги" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021- йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси", Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, ҳамда улар асосида педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Ҳуқуқий билим олиш жараёнида ўқувчилар қонунларни билишга, улардан фойдаланишга, ҳаётга татбиқ этишга эришишлари, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини мукамал билиб, қонунга риоя қилиш мажбуриятини ўрганиши лозим. Бу мақсадни амалга оширишда биринчи ўринни ҳуқуқий таълим ва таълим берувчи шахс эгаллаши, фаннинг вазифаси таълим берувчи ўзининг бугунги мавзусини шу даражада яхши билиши керакки аудитория уни эшитсин, ундан мамнун бўлсин. Ҳуқуқий таълим бўйича берилган маълумотдан тингловчи ўзининг кундалик ҳаётида, амалиётда фойдалана олиш даражасига эга бўлиши лозим.

Ҳуқуқ машғулотларида узлуксиз ҳуқуқий таълим-тарбия дастури асосида турли тадбирлар ўтказиш орқали ўқувчи ёшларнинг ҳуқуқий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаб, келгусида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида мустаҳкам ўрнини топишларига йўналтириш керак. Давлат ва ҳуқуқ асослари (Конституциявий ҳуқуқ асослари, ҳуқуқшунослик) дарси ва унга қўйилган Компетенциявий ёндашувга асосланган замонавий талаблар, дидактик, психологик ва методик талаблар урганилади.

Гуруҳларни шакллантириш тамойиллари, Гуруҳларда ҳамкорликда ўқитиш фаолиятини ташкил этиш технологиясининг мазмун–моҳияти, ўқитувчининг тайёргарлиги, Давлат ва ҳуқуқ асослари (Конституциявий ҳуқуқ асослари, ҳуқуқшунослик) дарсларида ҳамкорликда ўқитиш технологияларидан фойдаланиш бўйича дидактик материаллар тайёрланади.

Кейс технологиясининг мазмун моҳияти, Кейсларнинг турлари, Кейсни ишлаб чиқишнинг процессуал тизими, Кейс матнининг ёзилиши, кейснинг баҳоланиши, Кейснинг таълим амалиётига жорий этилиши, Давлат ва ҳуқуқ асослари (Конституциявий ҳуқуқ асослари, ҳуқуқшунослик) фанига оид кейсларни ишлаб чиқиш керак. Чунки Кейс технологияларидан фойдаланиш ҳам бугунги кунда жуда муҳим.

Тингловчиларга ҳуқуқ фанини ўқитишда бугунги кундаги қонунчиликдаги янгиликлар, қонун қабул қилиш босқичлари ва қонунларнинг яратилиши тўғрисидаги маълумотларни бериш кўзда тутилади.

Кўчма машғулот Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, Инсон ҳуқуқлари Миллий Марказида, Тошкент шаҳридаги тарихий музейларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу машғулот Тошкент шаҳридаги музей (Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг мустақиллик даври бўлими, Ислом Каримов музейи) экспонатлари ёрдамида дарс ўтиш асосида ташкил этилади.

Бу жараёнга музей маъмурияти, катта илмий ходимларни жалб этиш, уларнинг маърузаларини тинглаш, давра суҳбатлари ташкил этиш орқали ўқитувчиларга мавзунини ўқитишда назарий ва методик ёрдам кўрсатиш ҳам кўзда тутилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Жумаев Р. Давлат ва жамият: Демократиялаш йўлида. — Т.: Шарқ, 1998.
2. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси. — Т.: Ўқитувчи, 1996.
3. Методика и технология социально-педагогической деятельности. — М.: 2003.
4. Социальная педагогика /Под ред. М. А. Галагузовой. — М., 2003.
5. Овчарова Э. В. Справочная книга социального педагога. — М.: 2003
6. Педагогика /Под ред. П. И. Пидкасистого. — М.: 1995.
7. <https://library.ziyounet.uz/ru/book/1382>